# ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ
## ЎЗБЕК МОДЕЛИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Икки палатали парламентга ўтиш референдумда кўпчилик овоз билан тасдиқлангандан сўнг эндиги вазифа икки палатали парламентни ташкил этиш ва сиёсий ҳаётимиз учун янгилик бўлган юқори палатани тезроқ оёққа турғазиш сиёсий ислоҳотлар босқичининг навбатдаги вазифаси бўлиб қолди.**

Икки палатали парламент тизимида юқори ва қуйи палата орасидаги муносабат ва палаталараро ваколатлар тақсимоти масаласи марказий ўринни эгаллайди. Бу масаланинг ечими эса кўп жиҳатдан парламент ҳаётига ўзига хос мазмун бахш этади. Аввало, ҳокимиятнинг уч тармоққа бўлинишидан келиб чиқиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни ўзида мужассам этган парламентнинг умумий ваколати ҳақида тўхталсак. Парламент тизимига эга барча давлатларда парламент асосан учта асосий ваколатга эга. Уларнинг биринчиси парламентнинг қонунчилик ваколатидир. Парламент бу ваколатни ҳукумат ва суд чиқарувчи ҳокимият билан бўлишади. Қонун ишлаб чиқариш жараёнида ҳукуматнинг иштироки ҳам анча муҳимдир. Ўз навбатида Прокурор қонунчилик ташаббусига эгадир. Айни пайтда халқаро шартномаларни ратификация қилиш, йиллик режаларни тасдиқлаш ҳам парламент ваколати доирасига киради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига асосан Конституция ва қонунлар қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларини тасдиқлаш, халқаро шартнома ва битимларни ратификация ва денонсация қилиш Олий Мажлиснинг мутлақ ваколатлари жумласига киради. Шунингдек, 82-моддага асосан Олий Мажлис ўз депутатлари орқали қонунчилик ташаббусига эгадир.

Парламентнинг иккинчи ваколати бюджет-молия ваколатидир. Ҳукумат томонидан илгари сурилган ҳар қандай молиявий қонун ва дастурлар ҳамда йиллик бюджет миқдори парламент томонидан тасдиқланиши керак. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига асосан Олий Мажлис Вазирлар Маҳкамаси тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий этади.

Назорат қилиш ваколати парламентнинг учинчи ваколатидир. Одатда парламент ижроия ҳокимият устидан ўз назоратини амалга оширади, яъни ҳукумат парламент олдида ҳисоб беради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78,85,86-моддаларига асосан Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тизимларини ва ваколатларини белгилайди, Олий Мажлис раиси орқали қонунлар ва Олий Мажлис қарорларининг бажарилишини назорат қилади (85-модда) ва тегишли назорат қилувчи қўмита ва комиссиялар сайлайди (86-модда).

Парламентни ташкил этган палаталар орасидаги ваколат тақсимоти масаласида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, баъзи бир ривожланган давлатларда палаталар орасида расмий ва норасмий ваколатлар тақсимоти йўқ. Масалан, Италия ва Руминияда ҳар икки палата қонунчиликнинг барча соҳаларида тенг ваколатга эга.

Яна бир қатор давлатларда Франция, АҚШ палаталари орасида расмий конституциявий ваколатлар тақсимоти мавжуд эмас, бироқ, ваколатлар норасмий тарзда бўлишиб олинган. Анъанавий қоидаларга кўра, ташқи сиёсат ва ички сиёсатнинг энг муҳим масалаларини ҳал этишда юқори палата — Сенат устувор ваколатларга эга.

Федератив тузилишдаги давлатларда (Германия, Бельгия, Россия, Мексика) парламентни ташкил этган федерал палата ва федерацияга аъзо ўлкалар (ёки Ерлар) вакиллиги палатаси орасида ваколатлар соҳалар бўйича конституциявий тарзда аниқ белгилаб берилган. Улардан фарқли ўлароқ, Австрия ҳам федератив давлат бўлса-да, бироз ўзига хосликни намоён этади. Мамлакат Конституциясининг 11-моддасига кўра, Федерал палата умумий қонунлар ишлаб чиқишни таъминлайди, ўлкалар эса умумий қонунлар асосида аниқлаштирувчи қонунлар ишлаб чиқиш билан чекланади, холос. Конституцион монархия деб аталадиган Буюк Британия ва Японияда эса фақат қуйи вакиллар палатаси устувор ваколат ва мавқега эга. Чунончи, Англияда 1911 йили қабул қилинган Парламент тўғрисидаги Ҳужжат Лордлар палатасининг молиявий қонун лойиҳалари хусусидаги ваколатларини аниқ белгилаш билан бирга номолиявий қонунларга нисбатан чекловларни жорий этди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, палаталар орасида ваколатлар тенг ёки нотенг, расман ва норасман ҳамда соҳалар бўйича вертикал ёки ҳудудий миқёсда горизонтал ҳолатда тақсимланган бўлиши мумкин экан.

Шу ўринда Ўзбекистонда шаклланаётган юқори палата қандай ваколатларга эга бўлади, деган савол туғилиши табиий. Аввало, у парламент палатаси сифатида қандай сайлов тизими асосида сайланганидан қатъий назар, ўз ваколатини халқдан олади. Асосий қонуннинг 7-моддасига асосан халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир. Унинг ваколати қуйи палатадан кенгроқ бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. У умуммиллий манфаатларини ҳудудий манфаатлар билан уйғунлигини таъминлайди. Юқори палата Президентнинг, қуйи палатанинг, қолаверса Конституцион Суднинг баъзи бир ваколатларини ўз зиммасига олиши мумкин.

Ўзбекистонда икки палатали тизимнинг қарор топиши бир қатор сифат ўзгаришларига олиб келиши, шубҳасиз. Шунингдек, муайян сифат ўзгаришлари муқаррар миқдор ўзгаришларини ҳам талаб этади.

Аввало, депутатларнинг миқдори хусусида. Қонунчилигимиз талабларига кўра Олий Мажлис 250 нафар халқ депутатларидан ташкил топган. Жаҳон андозалари мезонларига асосан қуйи ва юқори палата депутатлари сони 2:1 нисбатда бўлади, яъни қуйи палата депутатлари сони юқори палатаникидан икки ҳисса кўпроқ бўлади (Франция, Япония). Агар ушбу нисбатни ўзимизнинг парламентга тадбиқ этсак, у ҳолда умумий депутатлар сони ўзгармаган тақдирда, қуйи профессионал палата аъзолари сони (166 нафар) назорат қилувчи юқори палата аъзоларига (83 нафар) нисбатан кўпчиликни ташкил этади. Демак, Конституциявий ўзгартиришсиз депутатлар сони ўзгармаган ҳолатда, қуйи палата депутатлари сонини юқори палатага нисбатан 2:1 нисбатга келтирилиши мақсадга мувофиқдир.

Конституциямизнинг 77-моддасига асосан ва умумхалқ сайлови тўғрисидаги қонунларимизга кўра (жумладан "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги" қонун, 1994 йил) фуқароларимизнинг Олий Мажлисга сайланиш ҳуқуқи 25 ёш билан белгиланади. Жаҳон андозаларида эса юқори палата учун сайланиш цензи юқорироқ ёш билан чегараланади. (Францияда Миллий Ассамблеяга сайланиш ҳуқуқи 23 ёш, Сенатга эса 35 ёш қилиб белгиланган). **Биз эса Ўзбекистонда ўтказилаётган ислоҳотлар босқичида ёшларга ажратилаётган эътибор, ишонч ва кенг имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, ёш цензи ҳам ёшлар фойдасига ҳал этилишини таклиф қиламиз.**

Ниҳоят, юқори палатага сайловлар депутатларнинг неча йил муддатга сайланишидан қатъий назар алоҳида, икки босқичда ўтказилиши ва сайланган депутатларнинг маълум қисми ҳар икки ёки уч йилда янгиланиб туриш шарти белгиланиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бундан кўзланган мақсад, маҳаллий ҳудудларда кишиларнинг сиёсий фаоллигини ошириш билан бирга, сайловларнинг икки босқичли тизимини такомиллаштиришдир. Зеро, бу эркин ва озод ҳуқуқий демократик фуқаролик жамияти қуришдек буюк мақсадларимиз талабларига мосдир.

**Ҳайдарали ЮНУСОВ,**
**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқитувчиси**

## ЖАҲОН ЖАРАЁНЛАРИ

### ИТАЛИЯ

Римда ички ишлар вазирлиги биноси олдида бомба портлади. Натижада Виминал қасри деворлари шикастланиб, шу кўчадаги бир неча бинолар ойнаси синди, бир неча автомобиль ёниб кетди. Жароҳатланганлар йўқ. Дастлабки тахминларга кўра, портловчи модда мотоциклга ўрнатилган бўлиб, бу террористик ҳаракат фақат фуқароларни қўрқитиш учунгина қилинган. Бу ишларда гумон қилинаётган 4 нафар Марокаш фуқароси қўлга олингандан бери Римда хавфсизликни сақлаш чоралари кучайтирилган.



### РОССИЯ

Россиядаги Плесецк космодромидан Ер орбитасига "Космос" номли янги ҳарбий йўлдош учирилди. У режалаштирилган вақтдан 2 соат кейин учирилган бўлса ҳам муваффақиятли якунланди. Мудофаа вазири Сергей Ивановнинг таъкидлашича, 2005 йилга келиб Плесецк Россиядаги асосий космодром бўлиб қолади ва ҳамма ракеталарни фақат шу космодромдан учириш кўзланяпти.



### МИСР

Дамиетта шаҳридаги беш қаватли уйнинг қулаб тушиши натижасида 20 киши ҳаётдан кўз юмди, 21 нафари жароҳатланди. Ҳозирча бинода неча киши бўлганлиги ҳақида расмий маълумотлар йўқ. Фожеа рўй берган жойда қутқариш ишлари олиб борилябти.



Мисрда биноларнинг ўз-ўзидан қулаб тушиш ҳоллари кўп кузатилмоқда. Кейинги йиллар давомида Қоҳиранинг ўзида ўнлаб бинолар вайрон бўлди. Бу фожеаларга асосан биноларнинг мўртлиги ва меъморчилик меъёрини бузиб, қўшимча қаватларни ўзбошимчалик билан қуриш сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

### АҚШ

Қишки Олимпиада ўйинларини тугатиб, Солт-Лейк шаҳрини тарк этаётган қатнашувчилар ва меҳмонлар сонининг кўплиги аэропорт хизматчиларини анча ташвишга солиб қўйди. 2 кун давомида 70 минг киши учиб кетиши керак эди. Йўловчиларнинг бундай катта оқимини ўз вақтида ўтказиб юбориш ва кучайтирилган хавфсизлик чораларини ўз вақтида бажаришга улгуриш учун авиакомпания ўз мижозларига учишдан 4 соат олдин аэропортга келиб, рўйхатдан ўтишни маслаҳат берган. Лекин, шунга қарамай, бир километрга чўзилган навбат охирида турган йўловчиларнинг кўпчилиги учишни бошқа кунга қолдирдилар. Юкларини юкхонага топширган йўловчилар эса хавфсизлик хизмати кўригидан ўтгунча, рейсларни бироз кечиктириб туришга тўғри келди.



**Нилуфар САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади**

# ХАЛҚ ХИЗМАТИ ШАРАФЛИ

**Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилаш, уларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Хўш, бу борада Халқ банкининг жойлардаги бўлимларида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Бу ҳақида Касби туман Халқ банки бўлими бошқарувчиси Қаҳрамон НЕКБОЕВ қуйидагиларни сўзлаб берди**



— Республика Халқ банки бошқарувининг янги тизимга ўтиш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш борасида бўлимимизда бир қатор амалий ишлар қилинаяпти. Жумладан, банк бўлими шохобчаларида аҳолининг коммунал тўловларини қабул қилиш, мижозларга намунали хизматни жорий этиш, кадрлар танлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишлари яхши йўлга қўйилди.

Банк бўлимида 135 нафар юридик мижозга хизмат кўрсатилади. Ҳозирги кунда хусусий ва савдо ташкилотларига 23.265 минг сўм миқдорида қисқа муддатли, аҳолига эса 2606 минг сўм миқдорида узоқ муддатли кредитлар берилган. Жумладан, "Қаноат" савдо-ишлаб чиқариш фирмаси 3 миллион сўм, "Абул-Файз" хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси 2 миллион сўм, шунингдек, "Мейли бобо", "Абдураҳим ота", "Жасурбек" хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмалари 2 миллион сўм миқдорида кредит олиб, ўзларининг иқтисодий аҳволларини тиклаб олишга муваффақ бўлдилар. Бизнинг банк хизматидан мижозлар мамнун.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасида ҳам банк бўлими томонидан хайрли ишларга қўл урилмоқда. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилиш мақсадида 4956 минг сўм миқдоридаги "Абитуриент", 601 минг сўм миқдоридаги "Таҳсил" кредитлари ажратилди.

Банк бўлимида пул-кредит муносабатларини мувофиқлаштириш, касса режасини бажариш, эмиссия миқдорини камайтириш ва нақд пул тушумини кўпайтириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Бунда тажрибали иқтисодчилар И.Сулаймонов, З.Раҳимов, ҳисобчилар Н.Ҳамроева, М.Муродованинг хизматлари мақтовга лойиқдир.

Фикримча, барча ютуқларимиз жамоамизнинг асосий қисмини ташкил этувчи ёш иқтисодчилар меҳнати, ғайрат-шижоатининг самарасидир. Чунки ёшлар ҳар доим жамиятнинг таянч-умиди, эртанги куни бўлиб келган.

**Ихтиёр УМАРОВ**

# МУАЙ-ТАЙ: ЧЕМПИОНЛИККА НОМЗОДЛАР

Айни кунларда пойтахтимиздаги "Жар" спорт мажмуида Муай-тай бўйича Ўзбекистон чемпионати баҳслари кескин курашлар остида давом этмоқда. Чемпионатни ўтказишдан мақсад Ўзбекистоннинг бугунги энг кучли муайтайчиларини аниқлашдир. "Муай-тай — гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши" шиори остида бўлиб ўтаётган мусобақаларда Республикамизнинг 11та шаҳар ва вилоятларидан келган 150 нафар спортчи иштирок этмоқда. Шу кунгача 48 нафар ярим финал қатнашчилари номи маълум бўлди. Улар орасида 67 кг.гача бўлган вазндаги муай-тай устаси, тошкентлик Тоҳир Мирсаматов (1998 йилги жаҳон чемпиони ва шу йилда бўлиб ўтган Осиё чемпионати ғолиби), 75 кг.гача бўлган вазндаги тошкентлик спортчи Бахтиёр Аҳмедов (2002 йилда бўлиб ўтган қўл жанги бўйича жаҳон чемпионати ғолиби ва 2001 йилги Осиё чемпионати ғолиби), 57 кг.гача бўлган вазндаги самарқандлик муайтайчи Жасур Нурмаҳматов (2000 йилги жаҳон чемпионати совриндори ва ўша йилдаги Осиё қитъаси чемпиони), 81 кг.гача бўлган вазндаги тошкентлик спортчи Фурқат Мусинов (2000 йилда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати совриндори ва 2001 йилги Осиё чемпиони)лар бор. Чемпионат давомида бу спорт турига мамлакатимизнинг Тошкент шаҳри ва вилояти, Самарқанд шаҳри ва вилоятида ҳамда Андижон шаҳрида катта эътибор қаратилаётганлиги намоён бўлмоқда. Мазкур мусобақалар, шунингдек навбатдаги муай-тай бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионати иштирокчиларини ҳам аниқлаб бериши кутилмоқда. Чемпионатнинг финал учрашувлари баҳорнинг илк кунларида бўлиб ўтади.



**Воҳид СУННАТ,**
**«Turkiston» мухбири**

# «ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДА МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАДИ»

**Германияда нашр этиладиган безакли "Der Wechsel" ("Ўзгариш") журналининг махсус сонида эълон қилинган Ютта Мэдер қаламига мансуб мақола ана шундай номланади.**

Мақолада мамлакатимиз аҳолиси, ўтган ўн йиллик мустақил тараққиёт даврида юртимизда амалга оширилган ислоҳотлар тўғрисида маълумотлар келтирилар экан, жумладан шундай дейилади: "Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида катта муваффақиятларга эришди". Мазкур ислоҳотлар ўзига хослиги боис "Ўтиш даврининг ўзбек модели" номини олди.

Мақолада қайд этилганидек, структуравий иқтисодий ислоҳотлар самараси ўлароқ мамлакатда нефть ишлаб чиқариш ҳажми кенгайди ва уни экспорт қилиш имконияти пайдо бўлди, шунингдек дон етиштириш ҳажмининг кенгайиши туфайли уни импорт қилишга бўлган эҳтиёж йўқолди. Бундан ташқари, 3,3 триллион АҚШ доллари миқдоридаги фойдали қазилма бойлигига эга Ўзбекистон Республикаси дунёдаги энг бой давлатлардан бири саналади. Мамлакат халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири автомобиль ва авиация саноати бўлди.

"Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади. Халқаро ташкилотлар, давлатлар ва иттифоқлар билан имзоланган кўплаб шартномалар, йўлга қўйилган ҳамкорлик муносабатлари, шунингдек Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш борасидаги ташаббус мамлакатнинг ташқи сиёсати узоқни кўзловчи ва барқарор эканидан далолатдир", деб ёзади Мэдер хоним.

**«Жаҳон» АА.**

«Turkiston» ҚАҲВАХОНАСИ

# ЎЗИНГГА ИШОН



*Кимдир санъатга чақмоқдек ёниб кирса, кимдир шамдек липиллаб киради ва аста-секин аланга ола бошлайди. Турлича услуб ва турлича овозлар билан санъатга кириб келаётган бир талай ёш, умидли хонандалар орасида Муҳиддин Насриддинов ҳам ўз ўрнини, ўз мухлисларини аста-секин топаяпти. У айрим қўшиқчилар каби санъатни тирикчилик манбаига айлантириб олмаган, кўнгил иши, деб қарайди ва асли касби шифокор бўлса-да, юрак амрига бўйсунган ҳолда созини ҳам ташлаб кетолмайди.*

**— Санъат соҳасида ўқисангиз бўлмасмиди?**

— Мен халқ артисти Тамарахоним тавсияси билан Тошкентдаги В.Успенский номидаги Республика мусиқа мактабида фортопеано ва зарбли асбоблар бўйича сабоқ олганман. Бир йигитга қирқ ҳунар оз, деганларидек, ўқишни Тошкент Тиббиёт институтида давом эттирдим. Санъатга қизиқишимга санъаткор-ижодкорлар хонадонида тарбияланганим сабаб бўлган бўлса, медицина соҳасига мени қизиқувчан табиатим етаклаган. Одамзоднинг қандай таркиб топгани билан жуда қизиқардим.

**— Инсон чўққига фақат битта йўл орқали чиқиши мумкин. Икки йўлни танлаб, ўртада қолиб кетишдан қўрқмайсизми?**

— Меҳнат қилиб ҳамма нарсага эришса бўлади. Инсон аввло ўзига ишониши керак.

**— Юқорида ижодкор-санъаткорлар хонадонида тарбияланганман, дедингиз. Бу ҳақда батафсилроқ тўхталсангиз?**

— Боболарим санъаткор бўлган. Бобом — Насриддин Шарофқориев йигирманчи йиллар бошида Тошкентда театр труппаси тузиб, ўзи кўпгина спектаклларни саҳналаштирган. Хуш овоз соҳиби бўлгани учун мусиқий драма ва комедияларда етакчи ролларни ижро этган. Отам Баҳриддин Насриддинов таниқли санъатшунос олим, мунаққид, театр санъати намоёндаси. Амакиларим ҳам шу соҳанинг вакиллари.

**— Оила аъзоларингиз билан ҳамкорликда ишлайсизларми?**

— Албатта. Отам менга санъат сир-синоатлари, ижрочилик маҳоратидан сабоқ берибгина қолмай, қўшиқларимнинг сўзларини ҳам ёзиб берадилар. Яқинда "Ул ой сабаб ёр-ёр", "Ўзбекистон қанотлари", "Турналар" каби қўшиқлар яратдик. Репертуаримни бойитишда таниқли бастакор Рустам Абдуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Алишер Икромов ҳам яқиндан ёрдам бераяптилар. Ҳозир "Тинч бўлсин, замин" номли янги қўшиқ устида ишлаяпмиз. Уни машҳур эстрада хонандаси Ботир Зокировнинг ўғли Баҳодир Зокиров билан биргаликда куйламоқчимиз. Хуллас, ҳали кўп қўшиқлар яратиш ниятим бор.

**— Сизнингча, яхши қўшиқ қандай бўлиши керак?**

— Яхши қўшиқ самимий қўшиқдир. Энг муҳими юракни борича тўкиш. Самимий қўшиқ юракдан чиқиб юракка боради, тингловчи унда ўзини топади, ўзини танийди. Тингловчини турмуш ташвишларидан чалғитиш ва руҳлантириш қудратига эга бўлган қўшиқ — яхши қўшиқ, деб ўйлайман.

**— Ҳаётдан нима кутаяпсиз?**

— Бахт ва омад.

**— Бахтингиз нимада?**

— Ўз ихтироларимни, ижодимни инсоният турмушига муваффақиятли таъсирини сезсам мен учун энг катта бахт.

**— Қайси касбингиз сизга бу бахтни кўпроқ беради, яъни беморни даволаганингизда кўпроқ бахтли бўласизми ёки қўшиғингиз мухлис топганидами?**

— Мен иккала касбимда ҳам даволовчиман. Иш жойимда беморларнинг вужудига шифо берсам, қўшиқ куйлаб мухлисларимни руҳан даволайман. Ҳар қандай йўл билан бўлмасин одамларнинг шифо топишида кўмаклашишни, далда бўлишни севаман ва уддалай олсам бирдек севинаман. Бу вазифани маромига етказиб уддалашда кишидан кучли ҳис қилиш қобилияти талаб этилиди. Мен ўзимда бу қобилиятни етарли деб ҳисоблайман. Демак, ҳали кўп марта бахтли бўлишим мумкин.

**«Turkiston» мухбири**
**Ойдин ЙЎЛДОШЕВА**
**суҳбатлашди**

